



**Turkic
World**



Мемлекет тарихы
институты



Жас тарихшылардың
республикалық қауымдастығы





ҚАЗАҚСТАН ЖӘНЕ ТҮРКІ ӘЛЕМІ:

қоғамдық ғылымдар саласындағы
өзекті мәселелер

KAZAKHSTAN AND THE TURKIC WORLD:

actual problems in the field
of social sciences





**ҚР БҒМ ҒЫЛЫМ КОМИТЕТІ МЕМЛЕКЕТ ТАРИХЫ ИНСТИТУТЫ
ЖАС ТАРИХШЫЛАРДЫҢ РЕСПУБЛИКАЛЫҚ ҚАУЫМДАСТЫҒЫ**

**«Қазақстан және Түркі әлемі:
қоғамдық ғылымдар саласындағы өзекті мәселелер»
халықаралық онлайн симпозиум материалдарының
ЖИНАҒЫ**

COLLECTION

**of materials of the international online symposium
«Kazakhstan and the Turkic world: actual problems in
the field of social sciences»**

Нұр-Сұлтан, 2021

Дилноза Жамолова, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг Туркистондаги сиёсий жараёнларга муносабати.....	180
Feruz Boboyev, Armed movement against The soviet rule in the Turkmen SSR (1925-1926).....	184
Nilufar Jumaeva, Buxoro vohasi dehqonchilik madaniyati tarixidan (XIX asr oxiri-XX asr boshlari).....	195
Ойбек Кличев, “Туркистон тўплами”да Амирзода Сайид Мир Абдулфаттоҳ элчилигининг ёритилиши.....	202
Бахтияр Курбанов, Туркистон-Сибирь темир йўлининг барпо этилиши ва унинг аҳамияти.....	206
Манзила Қурбонова, Туркий халқларда сутли таомлар (этнографик таҳлил).....	211
Бахтиёр Мирзаджанов, Проблема национальных кадров и их равного представления в государственных органах и учреждениях Туркестана.....	219
Бахтиёр Мирзаджанов, Вопросы равного представления в государственных органах и учреждениях Туркестана.....	225
Mirzadjanov B. T., Aizbek Boymirzayev, Muqaddas Azizova, Women’s issue in Turkestan (1917-1924).....	232
Сардорбек Мирзахалов, Ёшлар тадбиркорлигини давлат томонидан қўллаб-қувватланишининг меъорий-хуқуқий асослари.....	235
Мухаммадали Мубинов, Sharq mamlakatlari bilan savdo-sotiqda O`rta Osiyo xonliklaridagi shaharlarning ishtiroki, savdo-sotiqda amal qilgan qoidalar va narx navo.....	243
Dilrabo Murodova, Buxoro viloyati davlat arxivi fondlarida lotinlashtirish masalalari.....	250
Müşviq Mustafayev, Südabə Hüseynova, Günel Aslanova, Sosial adaptasiya sosiallaşmanın xüsusi forması kimi.....	256
Бунёд Насиров, Парикмахерское и банное дела в Узбекистане (в период Советской власти).....	261
Бунёд Насиров, Совет ҳукумати даврида Ўзбекистонда ижтимоий-маиший инфраструктуралар фаолияти.....	266
Alisher Nigmatov, XX asr 20-90-yillarda O‘zbekistonda etnik tarkib va aholi sonining kengayishi.....	271

**“ТУРКИСТОН ТЎПЛАМИ”ДА АМИРЗОДА
САЙИД МИР АБДУЛФАТТОҲ ЭЛЧИЛИГИНИНГ ЁРИТИЛИШИ**

Кличев Ойбек Абдурасулович,

*Бухоро давлат университети Бухоро тарихи кафедраси, т.ф.ф.д. (PhD)
(Ўзбекистон Республикаси)*

Резюме: Мангит хонадани вакилларининг Россия империясига таширф амалиёти XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланади. Элчилик миссияси таркибига амирзодаларнинг киритилиши унинг нуфузини ошишига хизмат қилади. Мавжуд архив материаллари ҳамда хотира шаклида ёзилган асарларнинг таҳлили Амир Музаффар томонидан Санкт-Петербургга юборилган Сайид Мир Абдуфаттоҳ элчилиги билан боғлиқ маълумотлар даврий матбуотда нисбатан кенгроқ ва ўзига хос тарзда ёритилганлигини кўрсатди. Тадқиқотими газета қирқимларин таркиб топган хабарлар элчилик вакиллари тўғрисида империя аҳолисини хабардор этиши мазмунига эга эканлигини кўрсатмоқда. Элчи шахси, уларнинг кийиниш маданияти, қабул кунларининг регламентлашганлиги хусусидаги маълумотлар, олий қабулда сўзланган нутқ матнларининг даврий матбуот нашрлари воситасида “Туркистон тўплами”да жамланганлиги ушбу масала ўз даврида алоҳида эътиборда бўлганлигини англатади.

Калит сўзлар: элчилик, журнал, амир, додҳоҳ, Сайид Абдулфаттоҳ, Санкт-Петербург, император, Абдулқосим бий, фото, нутқ.

**SHEDING LIGHT ON THE EMBASSY OF AMIRAZADEH
SAYYID MIR ABDULFATTAH IN THE “TURKESTANSKIY SBORNIK”**

Abstract: The archival documents have an important significance in the study of the history of the diplomatic relations. Documents on the policy of the Russian Empire in Central Asia are also stored in the archive of the Ministry of foreign affairs of the Empire. The documents of the “Central Asian Desk” fund serve to clarify the position of this office in the implementation of imperial policy. Therefore, it is desirable to introduce these fund materials into scientific circulation.

The practice of visiting the Russian Empire of representatives of the Manghit dynasty begins with the second half of the 19th century. The inclusion of amirzadeh into the embassy mission serves to increase its prestige. Analysis of the existing archive materials and works written in the form of memory revealed that the information on the Embassy of Sayyid Mir Abdulfattakh, sent by Emir Muzaffar to St. Petersburg, is relatively extensive and specific in the press materials. Our study shows that the patches from the newspaper have the meaning of informing the inhabitants of the Empire about the representatives of the embassy. The fact that the ambassador’s personality, their culture of dressing, the information on the regularization of the days of admission, the texts of the speeches mentioned in the higher admission are concentrated in the “Turkestanskiy sbornik” through publications periodical press means signifies that this issue was of particular interest in its time.

Key words: *embassy, magazine, emir, dodkhokh, Sayyid Abdulfattakh, Saint Petersburg, emperor, Abdulqasimbiy, photo, lecture.*

“Туркистон тўплами” жилдларида Амир Музаффар фарзандларининг империя худудига ташрифи тўғрисида маълумот берувчи маълумотлар Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасидаги элчилик алмашинуви масалага тегишли мақолаларга нисбатан кўпчиликти ташкил этади.

1869 йилнинг сентябрь ва декабрь ойларида чоп этилган ўн олтига газета қирқимларидан иборат хабар ҳамда мақолалар Туркистон тўпламининг тузувчилари томонидан бир сарлавҳа остида рўйхатланади. Берилган хабар матн мазмунидан келиб чиқиб сарлавҳаланган. Яъни мақоланинг асл газетадаги сарлавҳаси ўрнига тўплам мундарижасида Санкт-Петербургда ташриф буюрган Амир Музаффар фарзанди Сайид Мир Абдулфаттоҳ аъзолигидаги элчилик тадбирига тегишли мақолалар «*О бухарском посольстве*» номи остида жамланади [1].

Бунда қирқим газеталардаги асл сарлавҳа тўплам мундарижасини шакллантиришда инобатга олинмаганлигини кўриш мумкин. Биз эса ушбу нашрда иккала сарлавҳаларни кўрсатган ҳолда газета мақолаларини тақдим этишни жоиз деб билдик. Чунки Туркистон тўпламининг мундарижаси тўпловчилар томонидан тизимлаштирилган. Тадқиқотчилар эса айнан қайси газета ва мақоланинг номини тўпламдаги маълум саҳифадан истифода этадилар.

Амирзода Сайид Мир Абдулфаттоҳ аъзолигидаги элчилик вакиллари тўғрисидаги мақолалар таҳлили натижасида қуйидагилар маълум бўлди. Ушбу масалага доир мақолаларнинг аксарияти Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасидаги ҳарбий ҳаракатларнинг якуни, икки ўртада имзоланган шартнома, амирлик ички сиёсатидаги ўзгаришлар хусусидаги маълумотлар баёни билан бошланган. Шунингдек, деярли барча хабарларда элчилик аъзоларининг ёши, ташқи кўриниши ҳамда амирлик ижтимоий ҳаётида тутган мавқеи тўғрисидаги маълумотлар ўрин эгаллаган. Бу империя аҳолисининг қизиқишига сабаб бўлиши мақсадида қилингандир.

“Тўражон 13-14 ёшлардаги болакай, чиройли қора кўзлари, жонли қараш ифодаси, унинг қиёфасини янада жонлантиради ва ёқимли кўриниш беради. Унинг костюми олтин уламалар билан боғлаб қўйилган бахмал чизиқли қирмизи баймоқли. Устки кийими эса тўқ қизил рангли бахмалдан, доирали нақшлари тилла иплар билан тикилган. Оёғида ипак ва қимматбаҳо тошлардан тикилган оёқ кийим. Турк шойисидан ўралган салла эса кўринишини мукаммаллаштиради” [2].

Сайид Мир Абдулфаттоҳ аъзолигидаги элчилик хусусидаги маълумотларга илова тарзида амирзоданинг фото тасвири берилган. Тасвир «*Всемирная иллюстрация*» журналида чоп этилган. Империя худудига илк маротаба ташриф буюрган манғит амирзодасининг тасвири 10x17 см ўлчамдан иборат бўлиб, журналнинг бош саҳифасида жойлаштирилган эди.

Бизнинг фикримизча, ушбу тасвир империянинг бошқа газеталарида амирзоданинг ташқи кўринишини таърифлашга хизмат қилган. Буни амирзоданинг ташрифи давомида унинг портрет ва тасвири хусусида газета сонларидаги қисқа ха-

барлардан ҳам билса бўлади. Мақола матнларини ўрганиб чиққан ҳолда элчилик вакилларининг тасвири дастлаб Оренбургда олинганини таъкидлаш мумкин. Буни куйидаги маълумотлар тасдиқлайди:

«Шу кунни Тўражоннинг портрети чизилди ҳамда кечқурун у театрда бўлди. Буларнинг бари унинг табиатига ижобий таъсир қилганлиги боис бу куннинг таассуротларидан у жуда мамнун бўлди» [3].

Ёки:

«Кейинги кунлар шаҳарни ўрганишига бағишланди, бухоролик меҳмонлар суратларга тушишди» [4].

Шу ўринда газета саҳифаларида мазкур элчилик аъзолари ҳақида ҳам хабарлар чоп этилган:

«Элчилар бошлиги амирнинг тўртинчи фарзанди Сайид Абдулфаттоҳхон, тахминан 12 ёшлардаги бола. Унинг хузурида амирнинг қайнотаси, 66 ёшли Абдулқосим бий додҳоҳ исмли қария, 40 ёшлардаги амир куёви ҳамда таширфга улуғворлик тусини бериш мақсадида келган элчиликнинг қолган аъзолари (10 киши) ҳам ҳозир эди [5]».

Шарқ минтақаси вакиллари ва уларнинг маданияти (ташки кўриниши, кийиш ва муомала маданияти) империя аҳолисининг доимий қизиқишига сабаб бўлиб келган эди. Шунинг учун ҳам бўлса керак, газета саҳифаларида элчилик вакилларининг кийиши тўғрисида куйидаги маълумотлар чоп этилган.

“Элчиликнинг бошқа вакиллари кашмир матосидан тикилган беўхшов кийим ва катта салла, ёнларида эса қиличлари тақилган эди. Ушбу қиличларнинг ўз эгаларига қай даражада лойиқ туриши ҳақидаги фикрларни ҳар кимнинг ҳукмига ҳаволадир” [6].

Бундай фикрлар мухбирнинг субъектив қарашидир. Зеро, ҳар бир халқнинг кийими унинг маданиятининг аксидир. Империя аҳолиси учун бундай кийимлар ғайриодатийдай туйилиши табиий ҳол эди.

Ўз навбатида Санкт-Петербургдаги моддий ва маънавий маданият намуналари элчилик эътибори ва этирофида эди. Газета хабарлари орасида элчилик аъзоларининг Санкт-Петербургдаги диққатга сазовор жойларга ташрифи ҳақидаги таассуротлар мазкур фикримизни тасдиқлайди.

«Кронштатдан кейин бухороликлар Петергофдаги сарой ва боғлар билан танишдилар. Меҳмонларнинг таассуротларини додҳоҳ куйидаги гўзал шарқона ибора билан ифода этди. У Петербург ва унинг атрофидаги мўжизалар билан тўлдирилган жойларни кўрмагунича, ўз тафаккурида Муҳаммаднинг жаннатини тасаввур этмаган эди. Кўрганларининг бари унга Муҳаммаднинг жаннатини янада яхшироқ тасаввур қилиш имконини берди»[7].

Албатта бу иқтибосли жумлалар империя аҳолисига Бухоро амири номидан ташриф буюрган элчилар тинчлик ва дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш ниятида ташриф буюришганини кўрсатиш мақсадида чоп этилган.

Сайид Мир Абдулфаттоҳ ҳамда элчилик раҳбари Абдулқосим бий додҳоҳларнинг 1869 йил 22 октябр кунини император қабулида сўзлаган нутқининг ҳам тўпلام жилдида жамланганлиги аҳамиятлидир.

Сайид Абдулфаттоҳ:

“Мен сизнинг Буюклигингиз хизматида бўлган Бухоро тўрасиман. Жаноб олийларига хурмат билан хабар бериш шарафидаман. Менинг амирим - отам томонидан сиз жаноби олийлари хузурингизга келиш ҳамда унинг сизга б\+1+ўлган самимий садоқати ҳақида гувоҳлик бериш шарафига муяссар бўлганимдан хурсандман. Мен сиз жаноби олийлари қабулингизда ҳозир бўлганимдан жуда бахтиёрман ва бутун ҳаётим давомида бундан ғурурланаман”.

Абдулқосим бий додҳоҳ:

“Император жаноблари! Қудратингиз юксалиб ҳукмронлигингиз бардавом бўлсин. Мен Абдулқосим бий додҳоҳман. Жаноби олийлари, император ва кўплаб мамлакатлар ҳукмдори, барча шарафлайдиган Буюк Монархга маълумким, Россия ва Бухоро ўртасида дўстлик ришталари азалдан мавжуд. Икки давлат ҳукмдорлари ушбу алоқаларни қўллаб-қуватлаб мустаҳкамлаганлар. Уларнинг амалдорлари айниқса савдогар аҳли ўзаро дўстона муносабатларда бўлиб келмоқдалар. Аммо, баъзи бир ташқи таъсир ва тушунмовчиликлар сабаб ногоҳ дўстлик алоқалари душманликка айланди. Аллоҳга шукрим, ҳозирги пайтда ушбу бахтсиз вазият ўзгарди ҳамда қадрдон дўстлик ва савдо алоқалари тикланди. Аммо бизнинг амиримиз ўтган воқеалар муносабати билан чуқур пушаймон ва афсусдадирлар. Шунинг учун ҳам амирим сиз жаноби олийларига ўз мактубларини етказиш ниятида мен билан бирга ўғиллари Сайид Абдулфаттоҳни юборишни амр этдилар. Амирим ўтган ишларни унутиб, ўз фарзандини Жаноб олийлари хузурига юборилишини самимий садоқат рамзи сифатида кўришни, Россия ва Бухоро ўртасидаги муносабатлар халқларимиз манфаати йўлида кун сайин тобора мустаҳкамланиб боришини Аллоҳ берган иноят сифатида қабул қилишни истаб қоладилар. Аллоҳ халқингиз фаровонлиги йўлида ҳазрати олийлари, ҳукмдор императорни ўз паноҳида асрасин[8]».

Ушбу нутқ матнининг даврий нашрларда чоп этилиши икки давлат дипломатик муносабатларининг даражаси ва ҳолатини кенг жамоатчилик эътиборига етказишдан иборат эди. Шунини таъкидлаш жоизки, Абдулқодир бийнинг нутқида давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар азалдан олиб борилганлиги, маълум бир сабабларга кўра бу алоқаларда узилишлар бўлганлиги таъкидланади. Амир сеvimли фарзандини элчилик аъзоси сифатида юбориши эса давлатлараро алоқалар, ўзаро ишонччи янада мустаҳкамлашга интилганлигидан далолатдир.

Тўплам саҳифаларида ташриф давомида элчилар Санкт-Петербургдаги Исаков ва Петропавлоск соборлари, Эрмитаж, Кронштанд, Санъат Академиясидаги асарлар кўргазмаси ҳамда Пажеск корпусига ташриф буюрганликлари ҳақидаги маълумотлар ўрин эгаллаган. Амир Музаффар фарзандининг келгусида Санкт-Петербургда таълим олиши учун юборилиши мақсадидан келиб чиқиб элчилик вакилларига Пажеск корпусидаги таълим жараёни ва у ердаги шароитлар ҳам таништирилган эди[9]. Аммо келгусида ушбу имкониятдан Сайид Мир Абдулфаттоҳ эмас, балки Сайид Мир Мансур фойдаланди. Бунга мазкур элчиликдан сўнг Бухорога қайтган Сайид Абдулфаттоҳнинг бевақт вафоти сабаб бўлди.

Ушбу маълумотлар Сайид Мир Абдулфаттоҳ таширифи Бухоро амирлиги ва Россия империяси ўртасидаги ҳарбий ҳаракатлар якунига етганидан сўнг амалга оширилган илк элчилик алмашинуви эканлигини кўрсатади.

Амирзоданинг император ҳузурда нутқ сўзлаши манғит шахзодалари ўзларига юклатилган элчилик вазифасини бажара олганликлари ва уларда дипломатик учашуварда иштирок этиш кўникмаси шаклланганлигини англатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. О бухарском посольстве // Туркестанский сборник 1869. – Т.27.– Санкт-Петербург, 1870. – С.235-301.
2. Областной отдел (О бухарском посольстве) // Туркестанский сборник 1869. – Т.27. – Санкт-Петербург, 1870. – С.253.
3. Оренбург (О бухарском посольстве) // Туркестанский сборник 1869. – Т.27. – Санкт-Петербург, 1870. – С.297.
4. Заметки о Бухарском посольстве (О бухарском посольстве) // Туркестанский сборник 1869. – Т.27. – Санкт-Петербург, 1870. – С.265.
5. О бухарском посольстве // Туркестанский сборник 1869. – Т.27. – Санкт-Петербург, 1870. – С.257.
6. О бухарском посольстве // Туркестанский сборник 1869. –Т.27. – Санкт-Петербург, 1870. – С.261.
7. Пребывание сына бухарского эмира в Санкт-Петербурге (О бухарском посольстве) // Туркестанский сборник 1869.–Т.27. – Санкт-Петербург, 1870. – С.265.
8. Представление сына Бухарского эмира Государю Императору (О бухарском посольстве) // Туркестанский сборник 1869. – Т.27. – Санкт-Петербург, 1870. – С.301.
9. О бухарском посольстве // Туркестанский сборник 1869. – Т.27. – Санкт-Петербург, 1870. – С.265.

ТУРКИСТОН-СИБИРЬ ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

Курбанов Бахтияр Журабаевич

*Наманган давлат университети катта ўқитувчиси
(Ўзбекистон Республикаси)*

Резюме: Мазкур мақолада собиқ Совет ҳокимияти ҳукмронлиги даврида темир йўл транспорти соҳасида амалга оширилган тадбирлар, янги йўлларнинг қурилиши, хусусан, Ўрта Осиёни Сибирь билан боғлаган Туркистон-Сибирь темир йўлининг барпо этилиши ва унинг аҳамияти масалалари ҳақида фикр юритилади.

Калим сўзлар: Туркистон ўлкаси, Совет давлати, пахтачилик, галла таъминоти, темир йўллар, Туркистон-Сибирь, шимолӣ участка, жанубий участка.

CONSTRUCTION OF THE TURKESTAN-SIBERIA RAILWAY AND ITS IMPORTANCE

Abstract: This article discusses the measures taken during the former Soviet era in the field of railway transport, the construction of new roads, in particular, the construction